

Ўзбекистон “Адолат” СДП ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мужассам этадиган ғояларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар янада инсонпарварлик ва ижтимоий хусусият касб этишида фаол иштирок этади.

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» сotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 48 (1008) • 2014-yil, 28-noyabr, juma

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЕАТР ИЖОДКОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда профессионал театр санъатини ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизнинг маънавий олами юксалтириш, миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида қамол топтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар тақдирлансин:

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ” ФАҲРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Набиев Асадилло Суванович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

“ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН

Юсупова Тути — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

“МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН

Икрамова Дилдорхан — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Масудов Фатхулло Хусанович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуваҳабов Абдураим Абдуллахайевич — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Курбанов Бабаанияз — Ўзбек Миллий академик драма театри рассоми

Цой Светлана Менгиновна — Ўзбек Миллий академик драма театри рассоми

“ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

Арипджанов Махмуджон Окилжанович — Ўзбек Миллий академик драма театри ёритиш бўлими бошлиғи

Қиличов Миролим Хусниддинович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 27 ноябрь

Сайловда биринчи марта овоз бераман



Ҳ.Мамадалиев (ЎА) олган сурат

Юзма-юз мулоқотларда

ёшларнинг бизга ишончи ортмоқда

Маълумки, сайлов кампаниясида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришнинг энг самарали усулларидан бири номзод ва сайловчи ўртасидаги жонли мулоқотлар саналади.

Фуқаролар, хусусан, ёш сайловчиларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — сайловга бефарқ эмасликлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ортиб бораётганлиги ташвиқот тадбирларида намоён бўлмоқда. Олмалик шаҳрида сайловчилар билан ўтказилган учрашувда ҳам бу яққол акс этди.

Унда 82-Олмалик сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига партиямиз томонидан номзод этиб кўрсатилган **Анваржон Шермуратов** шаҳардаги бир қатор коллеж ўқувчиларини ўз сайловолди дастури билан батафсил таништирди.

Партиядошимиз А.Шермуратов 1990 йилда тиббиёт билим юртини, 1997 йилда 2-Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)ни, 2012 йилда Педагогика йўналиши бўйича ўрта махсус касбхунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтини тамомлаган. У ўз касбининг етук билимдони, тажрибали педагог, тиббиёт соҳасининг муҳим масалалари хусусида мустақил қарашларига эга мутахассисдир. У аини пайт-

да Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей директори лавозимида ишлаб, ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда.

Номзод тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши, уларнинг ташаббускорлиги ва илмий салоҳиятларини ривожлантириш, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан биргалликда ижтимоий ҳамкорлик асосида қўшимча иш ўринлари яратиш ва ёшлар бандлигини таъминлаш, давлат органларининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини ошириш, қишлоқ инфраструктурасини замонавийлаштириш каби муҳим масалалар ўзининг дастуридан жой олганини қайд этди. Улар ҳақида аниқ ва асосли таклифлари борлигини мисоллар билан изоҳларкан, номзод бу

масалаларнинг тўлақонли ечимлари социал-демократик ғоя ва мақсадларнинг амалдаги ифодаси бўлишини таъкидлади.

— Сайловолди дастурида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари билан узвий боғлиқ ҳолда малакали шифокор кадрларни етиштириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, қишлоқ аҳолисига замонавий турмуш шароитини яратиш сингари долзарб вазифаларга асосий эътибор қаратилган, — деди Анваржон Шермуратов.

Учрашув сўнггида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

6

Ташвиқотнинг

таъсирчан шакл ва усуллари

Сийёсий ўқув

Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинимаси томонидан “Сайловолди ташвиқоти: мазмун-моҳияти, ҳуқуқий асослари, турлари, шакллари ва усуллари” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда “Адолат” СДПнинг вилоятдаги шаҳар ва туман кенгашлари раислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга партиямиз томонидан депутатликка кўрсатилган номзодлар, жойлардаги сайлов комиссиялари аъзолари, тажрибали экспертлар ва олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Албатта, юртимизда ҳолис рақобат тарзида кечадиган сайловда ҳар бир сийёсий партия ўз номзодларининг нисбатан кўп овоз олиши учун интилади. Сайловолди ташвиқоти бу борада ҳар бир номзод ва партия фаолдан тарғибот ишларини тўғри ва самарали ташкил этишни тақозо қилади.

6

«АДОЛАТ»нинг фаол аёллари

Давра суҳбати

Мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг янада фаол иштирокини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланган, бу муҳим жиҳат партиямиз диққат марказидаги масалалардан бири экани ҳам бежиз эмас.

Яқинда “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ойлиги” доирасида Зарафшон шаҳрида “Сайлов жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

6

Тайёргарлик қизгин

Сайлов — 2014

Самарқанд шаҳридаги 54-сайлов участкасида бўлганимизда, овоз бериш демократик талаблар асосида ўтиши учун зарур тарғибот-ташвиқот ишлари изчил олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик.

— Аввало сайловнинг моҳияти ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида ҳар бир сайловчи батафсил тушунтириш беришга, уларнинг фаол фуқаролик позициясини эгаллашига ҳаракат қилаймиз, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Нигора Жумаева.

6

Бағрикенглик ва кечиримлилик

халқимизнинг азалий қадриятларидир

Муносабат

Адашгани тўғри йўлга солиш, йиқилгани суяш, бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатлари халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган бобомерос қадриятларидан саналади. Айтиш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳуқуқ соҳасида амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг туб моҳиятида ҳам айнан бағрикенглик ва кечиримлилик каби инсоний қадриятларимиз мужассам.

6

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига

22 кун қолди



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИНГ САЙЛОВОВЛДИ ДАСТУРИ

“АДОЛАТ — ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ, АДОЛАТ — ҲАР БИР ИНСОН УЧУН”

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси (кейинги ўринларда — “Адолат” СДП) “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун”, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” тамойилларига амал қилган ҳолда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида фаол иштирок этди, аҳолининг кенг қатламлари орасида обрў-эътиборга ҳамда мамлакат сиёсий майдонида ўзининг қиёфасига эга бўлишга ҳаракат қилди.

Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган давр ичида партия ғоявий жиҳатдан жипслашди, ташкилий тарафдан мустақамланди, жойларда партия ҳақида, унинг мақсад-вазифалари ҳақида аҳолининг хабардорлиги ортди, бу эса партия аъзоларининг сони ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия депутатлик корпуслари кўпайганида ҳам яққол намён бўлади.

Партия ўзини иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда инновацион тараққиётнинг, яратилган моддий бойликларни адолатли тақсимлашнинг, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибни мустақамлашнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилишнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг очиқлиги ва ҳисобдорлигининг фаол тарафдори, деб билади.

“Адолат” СДП ўзининг ғоявий нуқтаи назари асосида тараққиётнинг “ўзбек модели” тамойиллари — иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи экани, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадлари турғинни тула эътироф этади. “Адолат” СДП мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг қарақатлантурувчи кучи меҳнаткаш инсон, деб билади ва шундай бўлиб қолади, деб ҳисоблайди. Айнан юқори малакали мутахассислар, бюджет соҳаси ходимлари, педагоглар, шифокорлар, муҳандис-техник ва илм-фан вакиллари, хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларида социал-демократлар ўзларининг бош ижтимоий таянчини кўрадилар.

Айни пайтда биз ўз ҳаёти ва яқинлари ҳаёти учун масъулиятни зиммасига олишга тайёр, машғулот, этник келиб чиқиши ва эътиқоди, мулкий имкониятидан қатъи назар, социал-демократиянинг энг муҳим қадриятлари бўлган ҳаққонийлик ва ижтимоий адолат, эркинлик, бирдамлик ва имкониятлар тенглиги, шунингдек, бошқаролдида масъулият ғояларига ўз қарашларига ҳамдоғ деб биладиган жамиятнинг турли қатламларига мансуб фаол фуқароларга таяниш мақсадида.

“Адолат” СДП ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосидаги ҳуқуқий демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етук адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш тарафдори эканини қайд этиб ўтади.

Биз бозор иқтисодиёти ва айни пайтда асосан ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган салмоқли давлат сектори мавжуд бўлган иқтисодиёт тарафдоримиз. Биз учун ижтимоий соҳа нафақат таълим, соғлиқни сақлаш тизимини ўз ичига олади, балки транспорт, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари каби ижтимоий муҳим соҳаларни ҳам қамраб олади.

Биз давлатнинг бошқарувчилик фаолияти иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида муҳим роль ўйнаши керак, деб ҳисоблаймиз. Давлат бозор иқтисодиёти аҳолининг манфаатлари йўлида хизмат қилишни таъминлаш шарт. Айнан давлат иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганини таъминлаш лозим.

Бу жараёнда фуқароларнинг оила, давлат ва жамият олдидagi ижтимоий жавобгарлигини давлат зиммасига юклашларига йўл қўйиб бўлмайди. Биз — “боқимандалик”ка қаршимиз ва фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларига давлат томонидан ташаббуссиз, ҳаракати йўқ, сует шахсларга берилдиган кўмак сифатида қарамаслик керак, деб ҳисоблаймиз. Давлат ёрдами барча фуқароларнинг жамият ҳаётида фаол иштироки учун шароит яратиб бериши лозим.

Сиёсий ҳаёт барқарорлиги ва ижтимоий тараққиёт фақат талбиркорлар ва ёлланма ходимларнинг ҳамкорлиги ҳамда шериклиги асосида таъминланади ва бунда улар ўзaro манфаатларини ҳисобга олишлари шарт. Шу билан бирга, бугунги кунда талбиркорлар ўз ходимлари учун зарур ижтимоий, технологик, таълим шароитларини яратишга масъул, бундан бундиз иқтисодий тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди. Бундай қулай шароитларни яратиш ходимларнинг сарфлаган меҳнатининг қайта тикланиши учун ниҳоятда зарурдир.

Давлат талбиркор ва ёлланма ходимлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш асосида жамиятнинг барча аъзоларини ижтимоий ҳимоя билан таъминлайди, фуқароларнинг ишлаб чиқаришда зарур бўладиган янги касбларни ўрганиши учун таълим олишини ташкиллаштирилади.

Биз социал давлат тарафдоримиз, бундай давлат аҳолининг даромади бўйича кескин табақаланишининг олдини олиши ва шу орқали ижтимоий муносабатларда барқарорлик ва уйғунлиқни таъминлаш лозим. “Адолат” СДП ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мужассам этадиган ғояларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар янада инсонпарварлик ва ижтимоий ҳусусият касб этишида фаол иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда партиядан унинг дастурий мақсад ва ғояларини қўллаб-қувватлайдиган, ўз фаолияти билан Ватанимиз манфаатларига садоқатини исботлаган энг муносиб аъзолар ва хайрихоҳлар номзод сифатида кўрсатилмоқда.

Партия бўлғуси сайловда барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларида ўз дастурий мақсад ва вазифаларини самарали тарзда татбиқ эта олишга имконият яратадиган ўринларни эгаллашни ўзининг бош вазифаси, деб билади.

I. ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, “Адолат — қонун устуворлигида” тамойилни амалиётга янада кенг жорий этиш “Адолат” СДП учун устувор йўналиш бўлиб қолаверади.

Партия жамиятнинг шаклланиши ва демократлашувининг муҳим таркибий қисми бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини изчиллик билан таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, суд ҳокимияти ҳамда адвокатура фаолияти мустақиллигини мустақамлашга йўналтирилган қонунларнинг ташаббускори бўлади ва уларни қўллаб-қувватлайди.

“Адолат” СДП асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни фақат қонунчилик йўли билан мувофиқлаштиришга, шунингдек, қонуности ҳужжатларининг сони ва доирасини қисқартиришга интилади. Қонун давлат ва жамиятни бошқаришда асосий восита бўлиши лозим. Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмни яратиш, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ва ҳақиқат ғоялари партия депутатлик корпуси қонунчилик фаолиятининг асосий мезони бўлиб қолади.

Партия давлат бошқаруви органлари, назорат этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчиликка амал қилишини устидан назоратни кучайтириш, қонунчилик меъёрларини бузишга, уларни нотўғри ва эркин талқин этишга, тўрачилик, расмиятчилик, коррупцияга йўл қўймаслик тарафдори.

“Адолат” СДП суднинг ҳолиселиги, адолатлилиги, ҳар бир фуқаронинг ундан фойдаланишини таъминлаш, суд ҳимояси соҳасини янада кенгайтириш — суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштиришнинг муҳим йўналиши, деб ҳисоблайди. Бизнинг ишончимиз қонин, кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар, шу сабабли судларнинг мустақиллиги ва обрўсини мустақамлашга, суд жараёнида ҳолис тортишув ва адолатлилик таъминланишига ҳаракат қиламиз.

Партия инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чораларни тақлиф қилади: — суд тизимини комплекс ривожлантириш (институционал, ташкилий-кадр ва процессуал жиҳатдан мустақамлаш, судларнинг ижтимоий мақомини кўтариш), судлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг барқарорлигини таъминлаш;

— судлар фаолиятининг очиқ ва ошқоралиги, суд жараёнида томонларнинг тенглиги ва ҳолис тортишув тамойилларини кучайтириш, судлар масъулиятини ошириш, улар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, суд фаолиятига доир маълумотларга эга бўлишнинг аниқ механизмни белгилаш;

— “Хабеас Корпус” институти қўлланишини янада кенгайтириш, суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш;

— умумюрисдикция судларининг моддий-техник базасини мустақамлаш.

“Адолат” СДП амалиётда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамоатчилик олдида ҳисобот бериб бориш тартибини жорий қилиш, бу ишга оммавий ахборот воситалари вакиллари кенг жалб этиш тарафдори. Бундай тартиб инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг, суд-ҳуқуқ соҳасида расмиятчиликка ва коррупцияга қарши кураш олиб боришнинг муҳим кафолати ва зарур шартидир. Партия жумладан қуйидаги соҳада қонунчиликни такомиллаштиришни тақлиф этади:

— ички ишлар органларининг қонунийликни таъминлашга доир фаолияти;

— коррупцияга қарши кураш соҳасидаги фаолият.

Партия инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институтлар, жумладан Омбудсман ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг ролини янада ошириш тарафдори.

“Адолат” СДП ўз электорати вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини фаол ҳимоя қилади. Шу муносабат билан партия қуйидагиларни ёқлайди:

— бизнеснинг амалдаги қонунчиликка белгилаб қўйилган меҳнат муносабатлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимни ижтимоий сугурта қилиш, пенсия таъминоти талабларига амал қилиши учун масъулиятини оширадиган ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

— интеллектуал мулк объектлари (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, ихтирога бўлган ҳуқуқ ва бошқалар) ҳуқуқлари бузилишига нисбатан масъулиятни ошириш, шунингдек, мазкур соҳада давлат назоратини кучайтириш.

II. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ — АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ОРТГА ҚАЙТМАСЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Партия давлат бундан кейин ҳам инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг ишончли кафолати бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблайди. Партия бундай ҳуқуқларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришни ўзининг бош вазифаси сифатида кўради ва бунда асосий устувор йўналишлар сифатида қуйидагиларни қайд этади: меҳнат ва бандлик, даромадларнинг адолатли тақсимланиши, ижтимоий хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси, соғлиқни сақлаш, қулай турмуш шарт-шароитларини яратиш, демократик бошқарувни мустақамлаш.

Шу ўринда партия ўз депутатлик корпусларининг марказ ва жойларда ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назоратини кучайтиради.

“Адолат” СДП ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш, аҳолини давлат органлари, биринчи навбатда маҳаллий ҳокимликлар фаолияти борасида маълумотлар билан кенг таъминлаш, бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобот бериб бориш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этиш тарафдори.

Партия бюрократизмнинг ҳар қандай кўринишларини бартаф етиш тарафдори. Биз давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши давлат хизматининг ҳуқуқий асосини мустақамлашдан, давлат хизматчиларининг фаолиятини тартибга солишдан иборат, деб ҳисоблаймиз.

“Адолат” СДП хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини, сиёсий, ижтимоий мақомини янада ошириш, иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизларни давлат бошқаруви ва сиёсатга фаол жалб этиш тарафдори.

III. БИЗНИНГ МАҚСАДИМИЗ — АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Партия ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг давлат тузилмалари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини изчил равишда такомиллаштириб бориш тарафдори.

Биз, ўз депутатлик корпусимизга таянган ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ечишга қаратилган дастурларда кенг иштирок этишини таъ-

минлайдиган шарт-шароитлар яратилишига хайрихоҳлик кўрсатамиз.

Партия ўзининг ижтимоий ҳамкорлари — касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари билан биргаликда ННТларнинг фаолияти учун янада қулай шарт-шароит яратиш, ҳомийликни кенгайтириш, фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини рўёбга чиқаришни режалаштирмоқда.

“Адолат” СДП таъкидлайдики, демократик давлатнинг катта аҳамиятга молик институтларидан бири бўлган жамоатчилик назорати жамият билан давлатнинг самарали мулоқотини таъминлайдиган, фуқароларнинг қизиқишларини, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга муносабатини аниқлаб берадиган муҳим бўғинга айланиб бормоқда.

Партия қонун ҳужжатларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан бажарилиши юзасидан жамоатчилик, фуқаролик институтларининг самарали назорат механизмни яратиш тарафдори. Аммо мазкур институтни ҳаётга татбиқ этишда унинг расмиёлашувига йўл қўймаслик лозим. Партия жамоатчилик, фуқаролик назорати тартиб-таомилларини бузгани учун давлат органлари масъул шахсларининг жавобгарлигини, уларнинг натижалари ва тавсияларини эълон қилишни қонун йўли билан белгилашни тақлиф этади.

Партия мамлакатимиз келажаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бевосита боғлиқ эканини қайд этади. Фуқаролик жамияти шаклланишининг асосини ташкил этадиган пойдевор айнан ушбу орган бўлиши керак. Биз ноёб ижтимоий тузилма бўлган маҳалла институтининг бундан кейин ҳам такомиллашуви, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш марказига айланиши учун унга давлат ваколатларини бериш тарафдоримиз. Маҳаллада замонавий дунёвий жамиятнинг манфаатларига жавоб берадиган янги ҳулқ-атвор намуналари ривожланиши лозим. Ҳар бир маҳалла худудий дастурлар билан изчил боғланган ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига эга бўлиши керак, бу эса “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг амалда намён бўлишидир. Партия ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, аҳолининг ижтимоий ҳимоясида маҳалланинг аҳамияти ва таъсири янада кучайишига ҳаракат қилади.

Социал-демократиянинг шиорларидан бири “Бирдамлик”. Ўзбекистондаги турли фуқаролик институтлари бир томондан мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига, иккинчи томондан эса барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий жипслиги ва товулигига хизмат қилмоқда. Бизнинг мақсадимиз — уларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлантиришдан иборат.

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тобора фаол иштирокчисига айланиб бораётганини қайд этиб, “Адолат” СДП қуйидаги вазифаларни ўз олдида қўймоқда:

— ОАВнинг мустақиллиги ва эркинлигини янада мустақамлаш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг очиқ ва ошқоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда ОАВ ролини кучайтириш;

— медиа соҳасининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини янгилаш, уни технология модернизация қилиш, журналист қасби нуфузини ошириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш.

IV. ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР СУРЪАТЛАРДА РИВОЖЛАНИШИ — АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ЎСИШИНИНГ КАФОЛАТИ

“Адолат” СДП бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилиши тарафдори ва қайд этадики, иқтисодий ўсиш натижалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қилиши лозим. Шу мақсадда биз ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тарафдоримиз.

Партиянинг бу борадаги муҳим вазифаларига қуйидагиларни таъминлаш киради:

— ҳар бир минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг аниқ ва самарали бажарилиши;

— иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислохотлар жараёнининг ўзаро боғлиқлиги;

— аҳоли учун, биринчи навбатда ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш;

— Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш.



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

“Адолат” СДП Ўзбекистоннинг келажаги — инновацион иқтисодиётда, деб ҳисоблайди. Модернизацияга асосланган янги иқтисодиёт ва янги технологиялар инсонга ва ижтимоий соҳага инвестиция киритиш вазифасини қўяди. Буларнинг барчаси фуқароларга янги иш ўринларини топиш, янги касб-хунарларни ўрганиш, янги корхоналарни очиш ва кенгайтириш имкониятини беради.

Замонавий инновацион ва юқори технологияларни жорий этишни биз қуйидагилар билан боғлаймиз:

— инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, шу жумладан, илмий фаолиятни ривожлантириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

— инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш;

— Давлат бюджети, корхона ва ташкилотларнинг молиявий қўйилмалари, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан Инновация жамғармасини тузиш;

— иқтисодиёт соҳаларида хусусий бизнес иштирокида унча катта бўлмаган ва қисқа муддатда ўзини оқлайдиган инновацион лойиҳаларни жорий этиш;

— Ўзбекистонда ташкил этилган махсус индустриал зоналар фаолиятини кенгайтириш.

Биз аралаш иқтисодиёт доирасида давлат мулкни ҳимоя қилиш, катта ижтимоий аҳамиятига эга бўлган стратегик жиҳатдан муҳим иқтисодий объектларнинг давлат тасарруфида қолдирилиши тарафдоримиз.

“Адолат” СДП корхоналарга уларнинг социал ва ижтимоий жиҳатдан фойдали эканлигидан келиб чиқиб, солиқ имтиёзлари бериш зарур, деб ҳисоблайди.

Биз бозор иқтисодиёти ва хусусий тадбиркорлик ташаббуслари социал-демократиянинг асосий ғояларини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги ўзаро фойдали шартларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда уларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишнинг ўз ичига олади.

Биз давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги мақомини қонуний мустақамлаб қўйишни тақдир этишимиз. Шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари билан узвий боғланган ҳолда, бундай ҳамкорликнинг энг самарали шакллари қўллаш юзасидан махсус дастурни ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини ташкил этишнинг энг истиқболли соҳалари бу — соғлиқни сақлаш ва таълим тизими, йўл қурилиши, илмий текшириш институтлари, лабораториялар, конструкторлик бюролари.

Партия иқтисодиётнинг экологик жиҳатдан мутаносиб ривожланиши тарафдори. Экологик жиҳатдан тоза технологиялар асосида жадид ривожланишни таъминлашга йўналтирилган мутаносиб иқтисодий сиёсат олиб бериш зарур.

“Адолат” СДП экологик муаммоларни ҳал этишда ўз саъй-ҳаракатларини, биринчи навбатда ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига қаратади. Барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат Давлат бюджетига юклаш тўғри бўлмайди. Биз “Ифлослантирувчи тўлаши ва кўп пул тўлаши лозим” деган принцип тарафдоримиз. Партия Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси дахлсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилади.

Партия иқтисодий лойиҳаларнинг экологик экспертизасини кучайтириш, унинг очиқ ва ошқоралигини таъминлаш, бу ишга ННТ, илмий жамоатчилик, депутатлик корпусини кенг жалб этиш лозим, деб ҳисоблайди.

“Адолат” СДП иқтисодиётга янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш тарафдори ва бу жараёнда қуйидаги талбирларни қўллаб-қувватлайди:

— энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантирувчи механизмлар яратиш, аҳоли ўртасида энергия ресурсларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантирадиган тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бориш;

— уй-жой-коммунал соҳаси ва кундалик турмушда қуёш энергиясидан ҳамда бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш.

Шу мақсадда “Адолат” СДП, жумладан, қуйидагиларни тақдир этади:

— муқобил энергия манбалари, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича қонунийлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, соҳадаги зарур стандарт ва меъёрларни тасдиқлаш;

— муқобил энергетикани (қуёш энергетикаси; кичик дарёлар, сув омборлари ва ариқларнинг гидроқуввати; мотор ёқилғисини зичланган газ ва электр энергиясига алмаштириш; биогаз энергияси) жорий

этиш ва рағбатлантириш юзасидан махсус дастурни қабул қилиш.

Партиянинг устувор вазифаси — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берадиган тузилмаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга кўмаклашиш, оддий қишлоқ меҳнатқашларини самарали ҳимоя қилиш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ташкил этиш. Шу мақсадда партия қуйидагиларни тақдир этади:

— ернинг ҳосилдорлигини ошириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш, барча агротехник тадбирларни зарур даражада ўтказиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, уруғчилик ва селекция ишларини ривожлантириш, ходимлар меҳнатини самарали ташкил этиш ва рағбатлантириш;

— қишлоқ ҳудудларини ижтимоий ободонлаштириш, йўл инфратузилмасини, айниқса, маҳаллалар ичидаги кўчаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, мавжудларини модернизация қилиш ва янги ижтимоий объектлар қуриш бўйича ишларни давом эттириш;

— қишлоқ қиёфасини бутунлай янгилаш ва қайта қуриш, уй-жой қуриш, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш, қишлоқ жойларда коммуникацияни ривожлантириш, қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси ва маданиятини ошириш бўйича ишларни давом эттириш.

V. ИЖТМОИЙ ВА ГУМАНИТАР СОҲАЛАРНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ

“Адолат” СДП адолатли фуқаролик жамияти қурилишида бундан кейин ҳам давлатнинг яратувчанлик роли кучайиши тарафдори. Айни пайтда жамиятда янада катта ўзгаришларга олиб келиши ҳамда фуқароларга кўмак кўрсатиши учун биз ижтимоий соҳага ажратилмайдиган маблағларнинг оқидона ва самарали сарфланишини қўллаб-қувватлаймиз.

Партия кўчли ижтимоий сиёсатини қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этади. Аҳолининг ўта бойлар ва камбағалларга бўлиниб, кескин табақаланиб кетишига йўл қўймадик, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ саъй-ҳаракатларни амалга ошириш бундан кейин ҳам партиянинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Биз ўзини анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат ғоясини қўллаб-қувватлашга қодир куч, деб биламиз.

Айни пайтда ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали хатти-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли партия ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустақамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларининг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчилик базасини такомиллаштиришни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

“Адолат” СДП республикада жамият тараққиёти учун ижтимоий ҳамкорлик имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида ҳомийлик фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқишни тақдир этади.

Бизнинг шиор: “Ижтимоий ёрдам — муносиб иш билан таъминлаш”, яъни ишини йўқотганларга янги меҳнат ўринларини ҳамда касбий қайта тайёргарлик учун таълим олиш имкониятларини тақдир этиш. Инсоннинг оиласидаги фаровонлик, ўзининг ҳаётга муносабати, охир-оқибат эса жамиятимизнинг барқарорлиги унинг қандай иш билан таъминланганига, меҳнати учун қай миқдорда муносиб ҳақ олаётганига бевосита боғлиқ.

“Адолат” СДП мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблайди. Дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда биз ёшларимизни, ўз фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз зарурлигини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Партиянинг бош вазифаси мамлакатимиз таълим тизимининг фуқароларнинг комил шахслар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилни намоен этадиган, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат.

Ишончимиз комил, таълим замонавий демократик ва бағрикенг жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омилдир. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатида ва бекуп умумий таълим олиш, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиш, яхши мутахассис бўлиш ва истаган пайтда ўз ишини ташкил этиш имкониятига эга бўлиши лозим. Шу сабабли “Адолат” СДП давлат олий таълим тизимини янада мустақамлаш ва ривожлантириш тарафдори.

Биз барчанинг сифатли таълим олиши учун тенг имкониятлар яратиб берадиган қуйидаги йўналишларда қўшимча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишни тақдир этамиз:

— кадрларга бўлган бугунги ва истиқболдаги заруратни ҳисобга олган ҳолда, ўрта махсус касб-хунар мутахассислик йўналишларини босқичма-босқич қайта қўриб чиқиш, мутахассислар эҳтиёжга нисбатан кўпроқ тайёрланаётган гуманитар таълим йўналишларини қисқартириб бориш ва шундан келиб чиққан ҳолда — хизмат кўрсатиш соҳаси, аграр сектор, ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой-коммунал хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш;

— илмий тадқиқот ишлари, мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини ошириш, олий ўқув юрларининг моддий-техник базасини мустақамлаш;

— минтақавий таълим муассасаларида юқори технологияларни ажратилиши тизимини ривожлантириш, ёқилғи-энергетика мажмуалари, уй-жой-коммунал соҳаси, саноатнинг қайта ишлаш тармоқлари, қурилиш индустрияси, аграр мажмуалар, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ мактаблари учун мутахассислар тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш;

— таълим соҳасида дастурий маҳсулотларнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш;

— давлат ва хусусий сектор маблағлари эвазига таълим грантлари ажратилиши тизимини ривожлантириш, ўқув синфларида ва гуруҳларда таълим олаётган ўқувчилар сонини оптималлаштириш.

“Адолат” СДП инновацион технология ва иш-лашмаларни тараққиёт этириш масалалари мамлакатимизда илм-фан ва илмий тадқиқотлар ривожланишига, уларнинг қўллаб-қувватланишига узвий боғлиқ, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда партия қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни тақдир қилади:

— олий ўқув юрларининг инновацион инфратузилмасини кучайтириш, кичик инновацион корхоналар тузилиши рағбатлантириш, уларнинг базасида тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаолигини ошириш, олий ўқув юрларининг илм-фан, саноат ва иқтисод билан алоқасини кучайтириш;

— ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмаларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий изланиш ва ишланмалар рақобатдошлигини кучайтириш;

— докторлик диссертациясини ёқлаган ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, уларга тадқиқот ва изланишлар натижаларини амалиётга тағбиқ этиш учун докторликдан кейинги грантлар тақдим этиш.

“Адолат” СДП мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) юқори даражада жорий этилган илгор мамлакатлар қаторига кириши лозим, деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан партия бундан кейин ҳам АКТни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тарафдори бўлиб қолаверади. Биз фуқароларга интерфакл давлат хизмати кўрсатиш жараёнига алоҳида эътибор қаратамиз.

“Адолат” СДП уй-жой соҳасининг самарали ривожланишини қўллаб-қувватлайди ва ушбу мақсадда қуйидагиларни тақдир этади:

— бюджет соҳаси ходимлари учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан идоравий уй-жойларнинг қурилиш ҳажмини кенгайтириш;

— бюджет соҳаси ходимлари томонидан уй-жой сотиб олиниши учун бошланғич маблағлар билан таъминлайдиган мақсадли субсидияларни жорий қилиш;

— уй-жой бозоридаги фирибгарликлар учун назорат ва жавобгарликни кучайтириш.

“Адолат” СДП соғлиқни сақлаш соҳасида қуйидагилар тарафдори:

— аҳолининг кенг қатламларида кўрсатилмайдиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш. Партия бу борада ўз саъй-ҳаракатларини соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустақамлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтиришга йўналтирилади;

“Адолат” СДП эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлайдиган жамият тарафдори ва шу мақсадда аёлларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятлар учун интилишини қўллаб-қувватлайди. Бу борада биз учун устувор вазифалар қуйидагилардан иборат: эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлигини, уларнинг бир хил меҳнати учун бир хил ҳақ тўлаишини қафолатлаш; хотин-қизларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлик ва мослашувини таъминлайдиган дастурларни қўллаб-қувватлаш; оилани режалаштириш масаласида ахборот бериш ва амалий кўмак кўрсатиш; болалар тарбияси учун имтиёзлар бериш; мамлакатимизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётда хотин-қизларнинг тўлиқ ва тенг иштирокини таъминлаш; хотин-қизларнинг давлат органларининг барча бўғинларида қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини қафолатлаш.

VI. ТАШКИ СИЁСАТ: МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИ

